

## А Ж Р И М

2026 йил март ойининг 27 куни, жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман суди ўз биносида, видеоконференцалоқа режимида бўлган очик суд мажлисида, раислик қилувчи Т.Б.Тилавов, Д.Абдуқаҳҳоровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси-Сариосиё туман прокурори ёрдамчиси К.Ҳақимов, Ф.Абдурахимовнинг ҳимоячиси-адвокат Р.Рахимов, қонуний вакил А.Давлатов, жабрланувчи Ж.Бегматов ва Б.Холовларнинг иштирокида, Абдурахимов Фаррухжон Жўракул ўғлига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чоралари қўллаш тўғрисидаги №1-1911-2601/52-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

**Абдурахимов Фаррухжон Жўракул ўғли (Abduraximov Farruxjon Jo'raqul o'g'li),** 29.10.2002 йил Сариосиё туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, оилали, маълумоти ўрта, 2-гуруҳ ногирони, муқаддам судланмаган, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари билан тақдирланмаган, Сариосиё тумани “Тортули” МФЙ да истиқомат қилади, унга нисбатан эҳтиёт чораси танланмаган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди ва 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, жиноят иши материалларини батафсил тафтиш этиб, куйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Ф.Абдурахимов ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида ўзига аввалдан таниш бўлган Жумаев Нуриддин Жалолиддин ўғли билан жинойий тил бириктирган ҳолда бир гуруҳга бирлашиб, 2025 йил 14 октябрь куни соат 04:30 ларда Сариосиё тумани “Шириш” маҳалласидаги дала майдонларининг бирида боғлиқ турган, туманнинг “Ҳамкорлик” маҳалласида истиқомат қилувчи Холов Бахтиёр Абдужалиловичга тегишли бир бош оқ-қора рангли, бозорда сотилиш баҳоси 10 500 000 сўмлик хўкизини яширин равишда ўғирлаб, ходиса жойидан яширинган.

Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида ушбу жиноятни Н.Ж.Жумаев ва Ф.Абдурахимовлар содир этганлиги, улар мазкур қорамолни фуқаро Нематов Шахбоз Машраб ўғлига, Ш.Неъматов эса фуқаро Тоҳиров Сарварбек Зойиркуловичга сотганлиги аниқланиб, С.Тоҳировдан бир бош оқ-қора рангли қорамол далилий ашё сифатида ҳужжатлаштириб олинган.

Шунингдек, Ф.Абдурахимов такроран ўғрилиқ йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритишни мақсад қилиб, ўзига аввалдан таниш бўлган



Жумаев Нуриддин Жалолиддин ўғли билан жиноий тил бириктирган ҳолда бир гуруҳга бирлашиб, 2025 йил 30 октябрь куни соат 08:00 ларда Сарносиё тумани “Бўйрапўш” маҳалласидаги дала майдонларининг бирида боғлиқ турган, шу маҳаллада истиқомат қилувчи Шукуров Абдушукур Кокуловичга тегишли бир бош малла-сарғиш рангли, бозорда сотилиш баҳоси 13 000 000 сўмлик урғочи ғунажинни яширин равишда ўғирлаб, ҳодиса жойидан яширинган.

Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида ушбу жиноятни Н.Ж.Жумаев ва Ф.Абдурахимовлар содир этганлиги, улар мазкур қорамолни фуқаро Нематов Шахбоз Машраб ўғлига сотганлиги аниқланиб, ундан бир бош оқ-қора рангли қорамол далилий ашё сифатида хужжатлаштириб олинган.

Бундан ташқари, Ф.Абдурахимов такроран ўғрилик йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритишни мақсад қилиб ўзига аввалдан таниш бўлган Жумаев Нуриддин Жалолиддин ўғли ва Жумаев Зухридин Жалолиддин ўғли билан жиноий тил бириктирган ҳолда жиноий гуруҳга бирлашиб, 2025 йил 05 ноябрь куни соат 10:30 ларда Сарносиё тумани “Хулкар” маҳалласидаги дала майдонларининг бирида боғлиқ турган, шу маҳаллада истиқомат қилувчи Бегматов Жўрабек Хайрулло ўғлига тегишли бир бош малла-сарғиш рангли, бозорда сотилиш баҳоси 1 500 000 сўмлик урғочи эчкини яширин равишда ўғирлаб, ҳодиса жойидан яширинган.

Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида ушбу жиноятни Н.Жумаев, З.Жумаев ва Ф.Абдурахимовлар биргаликда содир этганлиги аниқланиб, Н.Жумаевдан бир бош урғочи эчки далилий ашё сифатида расмийлаштириб олинган.

Дастлабки тергов даврида Ф.Абдурахимовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди ва 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан айблов эълон қилинган.

2025 йил 19 декабрь кунидаги №209-сонли судга оид амбулатор психиатрик эксерт комиссиясининг хулосасида, Ф.Абдурахимовда туғма руҳий касалликнинг енгил даражали ақлий заифлик, феъл-атворнинг аҳамиятли бузилиши белгилари аниқланганлиги, у тўғри кўрсатув бериш ва тергов ҳаракати ҳамда судда иштирок этишга қодир эмаслиги, ақли норасолиги, Умумий типдаги Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Сурхондарё вилоят филиалида мажбурий даволаниш тавсия этилиши аниқланган.

Ҳимоячи Р.Рахимов суд мажлисида, ҳимояси остида бўлган Ф.Абдурахимов руҳий асаб касаллигига чалинганлиги, шу сабабли унга яшаш жойида тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллашни сўради.

Қонуний вакил А.Давлатов суд мажлисида, Ф.Абдурахимов руҳий асаб касаллигига чалинганлиги, зарарларни қоплагани, қонуний енгиллик қўллашни сўради.

Жабрланувчи Ж.Бегматов ва Б.Холов суд мажлисида, Ф.Абдурахимов руҳий асаб касаллигига чалинган бўлса унга тиббий йўсиндаги мажбурлов



чорасини қўллашни судга ҳавола қилишни, ўзига етказилган зарар қоплангани, даъвоси йўқлиги, терговда берган кўрсатувини тасдиқлашини билдирди.

Жабрланувчи А.Шукуровнинг ишни иштирокисиз кўриш ва Ф.Абдурахимов зарар қоплагани учун даъвоси йўқлигини инобатга олишни сўраган ариза ўқиб эшиттирилди.

Фуқаро Ш.Неъматов ва С.Тоҳировларнинг тергов органида берган кўрсатувлари тарафларнинг розилиги билан ўқиб берилди.

Ф.Абдурахимовнинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлиги ишда тўпланган ҳужжатлар, ҳодиса жойини кўздан кечириш, нарсани кўздан кечириш ва олиш, сўроқ баённомалари, экспертиза хулосалари, ашёвий далил деб топилган нарсалар ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги “Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли Қарорининг 2-бандида, шахс ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолати вақтинчалик бузилганлиги, ақли заифлиги, бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган бўлса, у ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб топилиши, 6-бандида, ақли норасо ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланганда жиноят иши тугатилиши лозимлиги кўрсатилган.

Суд жиноят иши материалларини ўрганиб чиқиб, юқоридаги Пленум қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, Ф.Абдурахимов ни ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб топишни ҳамда унга нисбатан юритилган жиноят ишини тугатиб, Ф.Абдурахимовни Умумий типдаги Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Сурхондарё вилоят филиалида мажбурий тиббий йўсинда даволантиришни лозим топади.

Шунингдек, Абдурахимов Фаррухжон Жўракул ўғлини Умумий типдаги Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Сурхондарё вилоят филиалига жойлаштириш Сариосиё тумани ИИБ бошлиғи ва Умумий типдаги Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Сурхондарё вилоят филиали бошлиғи зиммаларига юклатишни;

ажрим нусхаси ижро қилиш учун Сариосиё тумани ИИБ бошлиғи ва Умумий типдаги Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Сурхондарё вилоят филиалига юборишни;

Жиноят ишлари бўйича Сариосиё тумани судида Н.Жумаевга нисбатан ЎЗР ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан алоҳида жиноят иши мавжудлиги инобатга олишни;



фуқаро Н.Жумаевга оид ишнинг ЎзР ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан бўлган қисми тергов органи томонидан ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-бандига асосан тугатилганлиги инобатга олишни;

ашёвий далил деб эътироф этилган:

-бир бош ҳўкиз жабрланувчи Б.Холовга, бир бош сигир жабрланувчи А.Шукуровга, бир бош эчки жабрланувчи Ж.Бегматовга қайтарилганлиги инобатга олишни;

-500 000 сўм пул, бир бош қорамол, 600 000 сўм пул, бир бош сигир ва бир бош ҳўкиз, бир бош ҳўкизларнинг тақдири Н.Жумаевга нисбатан ЎзР ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан бўлган жиноят иши доирасида ҳал этилиши инобатга олишни;

жабрланувчи Б.Холов, А.Шукуров, Ж.Бегматовларнинг Ф.Абдурахимовга нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олишни;

жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик судлов ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 574-577-моддаларини кўллаб, суд

## А Ж Р И М Қ И Л Д И:

**Абдурахимов Фаррухжон Жўракул ўғли (Abduraximov Farruxjon Jo'raqul o'g'li)** ижтимоий ҳавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб топилсин ва унинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги сабабли жиноят иши ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан ҳаракатдан тугатилсин.

Абдурахимов Фаррухжон Жўракул ўғли Умумий типдаги Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Сурхондарё вилоят филиалида мажбурий тиббий йўсинда даволаш кўлланилсин.

Абдурахимов Фаррухжон Жўракул ўғлини Умумий типдаги Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Сурхондарё вилоят филиалига жойлаштириш Сариосиё тумани ИИБ бошлиғи ва Умумий типдаги Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Сурхондарё вилоят филиали бошлиғи зиммаларига юклатилсин.

Ажрим нусхаси ижро қилиш учун Сариосиё тумани ИИБ бошлиғи ва Умумий типдаги Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Сурхондарё вилоят филиалига юборилсин.

Жиноят ишлари бўйича Сариосиё тумани судида Н.Жумаевга нисбатан ЎзР ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан алоҳида жиноят иши мавжудлиги инобатга олинсин.



Фуқаро Н.Жумаевга оид ишнинг ЎзР ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан бўлган қисми тергов органи томонидан ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-бандига асосан тугатилганлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган:

-бир бош ҳўкиз жабрланувчи Б.Холовга, бир бош сигир жабрланувчи А.Шукуровга, бир бош эчки жабрланувчи Ж.Бегматовга қайтарилганлиги инобатга олинсин;

-500 000 сўм пул, бир бош қорамол, 600 000 сўм пул, бир бош сигир ва бир бош ҳўкиз, бир бош ҳўкизларнинг тақдири Н.Жумаевга нисбатан ЎзР ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан бўлган жиноят иши доирасида ҳал этилиши инобатга олинсин.

Жабрланувчи Б.Холов, А.Шукуров, Ж.Бегматовларнинг Ф.Абдурахимовга нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик судлов ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, 10 сутка ичида, қонуний вакил, жабрланувчилар ажрим кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман суди орқали Сурхондарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят бериш ёки прокурор хусусий протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи судья:**

**Т.Б.Тилавов**

